

ПАРТИЯ НУФУЗИ ВА МАВКЕИ



худудий Кенгашлар ҳамда бошланғич таъхилотларда иш олиб бораётган кадрларнинг касбий салоҳиятига, сиёсий етуқлигига боғлиқ

2

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА



Денов туманидаги "SMAT-DTK" тикувчилик комбинати бежирим кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона ўз фаолиятини бошлаши биланоқ 60 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

3

МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Сидней олимпиадаси муносабати билан қурилган стадионни тўлдириб турган 70000 дан зиёд томошабинлар кўз ўнгида футболчиларимиз биринчи бўлимда ажойиб ҳимоявий ўйин намойиш этишди.

4

ADOLAT Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 16 (720) 2009 йил, 3 апрель, Жума adolat_gazeta@mail.ru 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Бугуннинг мавзуси

...Биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инкироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодий-иқтисодий асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор.

Ислом ҚАРИМОВ



ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ
қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим шартли



Давлатимиз раҳбарининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдони ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисида белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини инновация билан ўзгартириш, ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси инновацион фаолиятни ривожлантириш қишлоқни барқарор тараққиёт этиришнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди. Шунингдек, инновацион ишланмаларнинг тартиби белгилаб берилади. Қишлоқ ҳўжалиги ва соҳа корхоналари фаолиятида самарали қўлланилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг ўзбекистонга таъсирини камайтиришга, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси томонидан "Инновацияларни қишлоқ ҳўжалиги амалиётига тадбиқ этиш — қишлоқ барқарор тараққиётининг муҳим омили" мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда ана шундай фикрлар алоҳида таъкидланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlарли, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ташкилотлар раҳбарлари, олимлар, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, фермерлар, шунингдек ОАВ ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Томшўхамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Б.Юсуфов тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилганлиги ва унинг айрим нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати муносабати билан, шунингдек, ушбу соҳада мамлакатимизда тўрлабган иш таърибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида номоддий маданий мерос объектларини талқин қилиш билан боғлиқ нормалар қайта кўриб чиқилган, номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва қайта тиклаш чоралари тўғрисида янги қондалар белгиланган.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари мустиқиллик йилларида мамлакатимизда Президенти Ислом Қаримов раҳбарлигида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий ва маънавий меросининг моддий ҳамда номоддий намуналарини тиклаш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида катта иш қилинганлигини таъкидладилар. ЮНЕСКО оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатидан Ўзбекистон номоддий маданий меросининг икки намунаси - Бойсун туманидаги маданий мерос ва Шашмақом мусиқавий айналарини қўй олган. Қиритилаётган ҳуқуқий нормаларда янгилик ва уларнинг долзарблиги энг аввало шундаки, улар моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник жиҳатдан ўрганиш, консервациялаш, реставрация қилиш ҳамда ҳозирда фойдаланиш учун мослаштириш бўйича давлат дастурларини самаралироқ рўйбга чиқариш имконини беради, ушбу соҳадagi ишларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг айрим ҳуқуқий нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларини ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

ҳақида ахборот берди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган кўп сонли археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилади. Археология мероси объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи, археология объектларини Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, археология предметларини ҳисобга олиш ва сақлаш каби муҳим масалалар ҳам муҳокамага қўйилган ҳужжат орқали тартибга солинади.

Муҳокама давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўп асрлик миллий тарих ва маданиятнинг тарихий қисми бўлган археология мероси объектларининг давлат томонидан ишончли муҳофаза қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини, уларни изчил ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларини жаҳон жамоатчилиги эътиборига етказиш, улғайиб келаётган авлоднинг тарихий далиллар мисолида тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Мустиқиллик йилларида ўзбек халқининг бой археология меросини қайта тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, шунинг учун депутатлар мазкур масалага бундан бўён ҳам катта эътибор қаратишлари алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаш, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Энгин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Хатамов мазҳаб қилди. Қонун лойиҳасида энгин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари белгилаб берилган, ушбу соҳада давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар ўртасида, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида депутатлар энгин хавфсизлиги миллий хизматини янги давр талабларига мувофиқ равишда бундан бўён ҳам таъминлашнинг зарурлигини таъкидладилар. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ижтимоий ҳавфсизлигини таъминлаш, энгин ва у туфайли келиб чиқадиган зўриқларнинг олдини олишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник ва бошқа чоралар комплекс билан жипс боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси депутатлар қиритган тақлифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаш ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ўз.)

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

ҲАРБ ИЛМИНИНГ ДАҲОСИ

Бундан 673 йил олдин Мовароуннахрнинг Гузал шаҳарларидан бўлган Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)дан унча узоқ бўлмаган Ҳўжа Илғор қишлоғида бўлажак Соҳибқирон — Мухаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темур дунёга келди. У ёшлик чоғидан мард, довурак, гурурли, ўткир эҳв ва ақл-идрок эгаси бўлиб ўсди.

Буёқ давлат арбоби Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда Мовароуннахр мўғуллар истибодини бошдан кечирарди. Чингизхон босиб ўтган ерларнинг кули қўққа созурилган, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари яроқсиз ҳолга келган эди. Амир Темур бир ярим асрлик мўғуллар истибодига чек қўйди, она юртини мўғул Босқинчиларидан озод қилиш, ўзаро низолар ва урушларга барҳам бериш, халқни босқинчилардан ҳимоя қилиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У ер юзида буёқ салтанат соҳиб сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди, мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.



(Давоми 4-бетда.)

«ЎЗБЕКИСТОН — ДУНИНИНГ БАРҚАРОР ВА ГУЛАБ ЯШНАЁТГАН ДИЁРИ»

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдони ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

Шу ўринда, иштирокчилар эътибори макроиктисодий кўрсаткичларга, хусусан, ялпи ички маҳсулот (9 фоиз), саноат (12,7 фоиз), савдо соҳаси (7,2 фоиз) ўсганига қаратилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз микдорда профицит билан бажарилгани, аҳолининг реал даромадлари 23 фоиз кўпайгани қайд этилди.

розининг Ўзбекистон иқтисодиётига маълум қадар салбий таъсир кўрсатишига қарамастан, мамлакатимиз 2008 йилда иқтисодий-иқтисодий нафақат барқарор фаолият кўрсатиши, балки, юқори суръатда, изчил ўсишини ҳам таъминлай олгани таъкидланди.

(Давоми 3-бетда.)

7 кун нафаси

УЧКУДУҚДА ИССИҚХОНА

Навоий. Учқудук туманида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида 4 та иссиқхона қурилиши режалаштирилган. Уларнинг дастлабкисига "Учқудук — Валишоҳ" хусусий корхонаси асос солиб, 30 сотих майдонда 15 нафар киши кўч-ғайрати билан ҳозирроқ помидор, бодиринг, кўзкорин, турфа қўқатлари ранго-ранг гуллар етиштирилмоқда.

Шу кунларда иссиқхонанинг дастлабки маҳсулотлари эл дастурхонига тортиқ қилинди.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Тошкент. Шайхонтоҳур транспорт касбхона коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Менинг орзу-истакларим" мавзусида иш ва расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда коллежнинг 575 нафар талабаси ўз ижодий иқтидорларини намойиш этди. Улар ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла ва туман тарихи, бугунги ҳақида истиқбол ҳақида 450 та иш ва расмлар чизишди.

Танлов байрамона руҳда ўтиб, ғолиб талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

Қўшма Корхона Дўконлари

Фарғона. Бу ердаги "Uzsalman" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси жамоаси ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishi йўлида ишлаб чиқариш ҳажминини бир ярим бараварга оширди. Яқинда тайёр маҳсулотларни аҳолига пешма-пеш етказиш учун жойларда ўз фирма дўконларини ҳам ташкил этди. Жумладан, Қарши, Олмалик, Навоий шаҳарларидagi йирик корхоналар қосида дўконлар иш бошлади.

ЭКСПОРТ МИҚДОРИ ОШАДИ

Қорақалпоғистон. Бериуний туманидаги "Лико-Роот" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси доривор ўсимликлар ва ширинмия илдиизиди экстракт олишга ихтисослашди.

Корхонага 135 миллион сўмлик хориж сармояси жалб этилиб, бугунгача 112 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва чет мамлакатларга 51,2 минг АҚШ долларига тенг миқдорда экстракт экспорт қилинди.

Ташвиш ва ечим

ГАРОВГА ТИКИЛГАН ҲАЁТ

ёки одам савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноят ва унинг оқибатлари хусусида

Ургутлик Уктам Носиров (исми-шарифи ўзгартирилди) Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги шериклари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 130 нафар ҳамюртдан 50 миллион сўм пулни йиғиб олиб, Россия Федерациясида мўмай маош ва ётоқхона билан таъминланган...

ни ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади. Фойбона бахт ва шохона ҳаёт истаб, оқибатда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур бўлган Нилуфар Худойбердиевнинг тақдири бунга мисол бўлади.

Самарқанд шаҳрининг "Кимёгарлар" кўрғони 8-уйда яшовчи Нигора Қувондиқова ўз уйида вақтинчалик истиқомат қилиб турган Нилуфарни ўз омадини чет элда синиб қўришга озмунча даъват этмади? Ниҳоят кўндрингач, унинг фуқаролик паспортини "керакли тартибда расмийлаштирамиз" деб олиб қўйиб, тезда Қозғоғистон Республикасининг Жетисой вилоятида яшовчи таниши Маржона исми аёлга навабтада қилиб қўйиб, ҳақиқатда қўриқиб қўйиб, қўриқиб қўйиб...

Одам савдоси инсон қадриятини таҳдид соладиган трансмиллий уюшган жиноят, дейишимизнинг боиси ҳам шунда! Кейинги пайларда бу жиноят чегара талмай авж олаётгани, ўз домини етти мучаси соғ Йигитларни, аёлларни тортиб бораётгани эса ҳар бир кишида хиддий ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Биргина Самарқанд вилоятида бу жиноятдан жабрланганлар сони 2007 йилда 72 кишини ташкил этган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 92 тага етди. Ёки мазкур жиноят бўйича 2007 йилда 50 та жиноят иши қўзғатилиб, 59 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 2008 йилда бу рақам бир ярим баробарга кўпайди.

Одам савдоси билан шуғулланмоқчи бўлган эр-хотин Нигина Сохибова ва Жаҳонгир Жўраевнинг қилмишлари ҳам кўпчилик учун сабоқ бўлади. Самарқанд шаҳрида яшовчи Дилфуза Аҳмедова ва Абдуҷамол Раҳматов эса жиноий гуруҳнинг аъзолари сифатида "мижоз" излаш билан шуғулланишди. Ниҳоят улар Шохсанам исмли қизни

топиб, уни эр-хотин "одам-фуруш"ларга таништиради. Жиноий гуруҳнинг аъзоси А.Раҳматов Шохсанамни Бирлашган Араб Амирикларига юбориш билан боғлиқ йўл харажатларини ўз бўйича олади. "Мижоз"нинг паспорти олиб қўйилади. Дастлаб Дубайда фоҳишалик билан билан шуғулланиб, кун қўришга "рози" бўлган Шохсанам тезда фикридан қайтади. Бироқ жиноий гуруҳ унинг паспортини яшириб қўйиб, қизни роса овера қилишди. Улар Шохсанамга 200 АҚШ доллари берган тақдирдагина паспортини қайтаришга умид қилишди.

Одам савдоси билан шуғулланиш жиноят. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам бу жиноятга қарши курашишни мустахкам ҳуқуқий базаси яратилди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши ва Республикаимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилиниши фикримизнинг далилидир.

Уш, биргаликдаги ҳаракатлар қандай самара бермоқда? Вилоят идоралараро ҳудудий комиссиясининг навабтадаги йиғилиши Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартиб идоралари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ўқув юртлири, коллежлар раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок

эти. Йиғилишда мавжуд аҳвол ҳар томонлама муҳокама этилиб, зарур вазифалар белгилаб олинди. Шу нарса алоҳида таъкидландики, Қонун ижросини таъминлашда аҳоли бандлиги алоҳида ўрин тутати. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси ташаббуси билан айни шу хулосадан келиб чиққан ҳолда бўш иш ўринлари ямаркаси ўтказишга зарур эътибор қаратиб келинмоқда. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Ҳўш, бу жараёнда нодавлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар қандай фаоллик юритмоқда?

"Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари Эшмамат Курбановнинг таъкидлашича, сиёсий партиялар айни шу масалаларда ўз сўзини айтиши шарт. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Фуқаролик жамиятини ўрганатиш институтининг Самарқанд филиали ва Пастдаргом тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда мазкур туманда ўтказилган жонли мулоқот бунга мисол бўла олади.

Ҳеч қандай плакат одамлар билан юзма-юз жонли мулоқотнинг ўрнини боса олмайди, — дейди Э.Курбанов. — Муаммонинг асл моҳияти билан одамлар орасига чуқур кириб боришимиз, уларни тинглай билишимиз керак. Фақат жонли мулоқот орқали одамларда фуқаролик позициясини шакллантира олишимиз, барчани одам савдосига қарши курашишга даъват этишимиз мумкин. Демак, тарғибот-ташвиқотлар амалий чора-тадбирлар билан уйғунлашуви керак.

Дилшод ҚУБАЕВ, Самарқанд вилоят прокуратураси масъул ходими, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, "Адолат" мухбири.

(Давоми. Бойлақчи 1-бетда.)

Иштирокчилар эътиборига мамлакатнинг ташқи савдодаги ижобий салдоининг ортиб бораётгани, яратилган қулай сармоявий муҳит ва Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилгани каби маълумотлар ҳавола этилди.

Қатнашчилар шунингдек, Ўзбекистонда жаҳон иқтисодий инқирозини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ва Ўзбекистоннинг инқироз давридаги асосий устувор вазифалари билан таништирилди.

Давра суҳбатида Британия-Ўзбекистон жамияти аъзолари сўзга чиқишди. Жумладан, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми катта илмий ходими Ш. Акнер хоним глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг сезиларли даражада юқори суръатларига эришилаётганини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбарияти ҳозирги инқироз даврида ҳам ривожланишининг устувор вазифаларини белгилаётганини қайд этди. «Ҳозирги глобал миқёсдаги ноангилик ва тушунлиқ даврида узоқ муддатли режалаштиришга эътибор қаратиш айниқса муҳим

аҳамият касб этади. Бу, Ўзбекистон Президентининг ўзбек тажрибаси ва аниқ стратегик фикрлашини намоён этади ва сўзсиз, мамлакатнинг ушбу мураккаб даврдаги тараққиёти суръатини сақлаб қолиш учун асос яратлади», — деди Ш. Акнер хоним.

Британия-Ўзбекистон жамияти раиси Х. Бут «Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсади сари мақсадли йўналти-

рилларининг таникли вакиллари, олимпилар, иқтисодчи ва журналистлар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларидаги юқори кўрсаткичларини қайд этиб, мамлакат нафакат фан ва маданиятнинг тарихий маркази ҳисобланиши, балки минтақанинг етакчи давлатларидан бири сифатида халқаро майдонда Марказий Осиёнинг барқа-

Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган бир қатор муҳим тадбирлар ўтказди. Ўзбек халқининг улкан маданий меросига бағишлаб Ўзбекистон ва Покистонда бўлиб ўтган кўнраб конференция ва анжуманларда бизнинг вакилларимиз иштирок эттишти. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро бир бирини тушу-

ниш ва ишонч руҳининг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшади. «Travel Planners» туристик компанияси директори Ҳамид Махмуд Чоудри Ўзбекистон фан ва маданиятининг тарихий маркази сифатида муҳим ўрин тутиши баробарида, у халқаро майдонда саноати жадал ривожланаётган мамлакат, тинч ва барқарор дийр сифатида алоҳида маънафага эга эканлигини таъкидлади.

— Мустақиллик эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишга мислсиз натижаларга эришди, — дейди покистонлик бизнесмен. — Дунёнинг кўпгина мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирига тушиб қолган ҳазирги пайтда ривожланишининг Ўзбекистон талланган моделининг тўғри ва оқилона эканлиги ўз тасдиғини топиб, мамлакат ўз банк ва молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлашга эришди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁНИНГ БАҲҚАРОР ВА ГУЛЛАБ ЯШНАЁТГАН ДИЁРИ

риланган ва борқичма-борқич ҳаракат қилаётганини таъкидлади. Шу маънода, у Навоий вилоятда барча омишларнинг шартлари ва мақсадларини мувофиқлиги бирма-бир ва ҳар томонлама ўрғаниб чиқилганидан сўнг амалга оширилган бошланган эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилишининг аҳамиятини алоҳида қайд этди. «Ушбу ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда изчиллик чуқур ўйланган ёндашув ҳар томонлама эътиборга сазовор», — деди Х. Бут.

2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўндалари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган тадбир Исломободда ҳам бўлиб ўтди. Унда Покистон ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил до-

рорлиги, хавфсизлиги ва тараққиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

«Осиё цивилизацияси жамияти» президенти, доктор Зулфидор Куррайшийнинг фикрича, Ўзбекистон бутун инсоният тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшган буюк олим ва уламолар юрти ҳисобланади. — Ўзбекистонда истиқлол йилларида мамлакат халқининг меросини қайта тиклаш ва унга бўлган ҳурматни ошириш борисида улкан ишлар қилинди, — деди З. Куррайший. — Сўнги йилларда бизнинг жамиятимиз Ибн Сино,

РАҚОБАТГА ДОШ БЕРОЛМАДИ



Швециянинг "Electrolux" компанияси Россиянинг Санкт-Петербургдаги уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарувчи корхонасини ёпишга қарор қилди.

Негаки, компания мазкур мамлакат бозоридagi рақобатга дош беролмаган. У ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ дунёдаги барча корхоналарида ишлаётган ходимларини 3 мингтага қисқартиришни маълум қилганди. Айни кезде 2010 йилгача йиллик харажатлари ҳажмини 1,1 миллиард крона (133 миллион АҚШ долларидан ортиқроқ)га камайтиришни ҳам режалаштирган.

МУХОЛИФАТ ТАЛАБИ



Қирғизистон мухолифатчилари ўтган ҳафта охирида Бишкекда бошлаган митингнинг тўхтатилган.

Унда мамлакат Президентига талабнома қабул қилинган. Мухолиф кучлар шу йил июль ойида бўладиган Президент сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси таркибига ўз вакиллари киритилишини, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг раҳбарлари алмаштирилишини, мухолифатнинг телеэфирга чиқиши учун имконият яратилишини ва сайловга хорижий кузатувчилар тақлиф этилишини талаб қилдилар. Мазкур талаблар ижроси учун мухолифат 20 апрелгача муддат белгилади. Талаблар шу муддатда бажарилмаса, катта қамровда, муддатли чекланмаган норозилик намойиши бошлаларини билдирган.

ДУНЁ КЎЗГЎСИ

БИЗНЕСМЕНЛАР САММИТИ


Брюсселда ўтган европалик бизнесменларнинг 7-саммитида иттифоққа аъзо давлатларнинг расмий вакиллари, тадбиркорлар, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Саммитда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Шунингдек, Европадаги тадбиркорлар ва сийосатчилар ўртасида соғлом мулоқотни йўлга қўйиш тақлифи ўртага ташланди. Пировардида, ҳуқуқматлар томонидан кичик бизнес ва экспортга мўлжалланган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга эришилиши яхши самара бериши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Япония ҳукумати жамоат жойларида чекишни тақиқлаб қўйди. Транспорлда ва баъзан истисно тарзда ресторан ҳамда меҳмонхоналарда чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Токио телевидениясининг хабарига кўра, ушбу чора шу йилнинг апрелидан, яъни мамлакатда янги молиявий йил бошланганидан пайтдан бошлаб қўйилади.

"ADOLAT-MEDIA" МҲЖ ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қилди. Даволат эълон топ этилган кундан бошлаб, 1 ой муддатга қўйиладиган телефон орқали қабул қилинади. Телефон: 245-81-74



МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Денов туманидаги "SMAT-DTK" тикувчилик компанияси беҳирим кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона ўз фаолиятини бошлаши билан 60 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Компания мутахассисларининг таъкидлашича, йил охирига қадар яна 40 киши янги иш ўрнига эга бўлади. Маҳсулот ҳажми ҳам ортади.

Айни пайтда корхонада 20 турдан ортиқ аёллар, эркаклар ҳамда болалар кийим-кечаклар ишлаб чиқарилапти. Яқинда бу ерга хориждан замонавий ускуна ҳамда дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Шунингдек, компанияга пойтахтдан тажрибали дизайнерлар ҳам тақлиф қилинди. Жамоанинг асосий мақсади — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ерлиги билан хорижага экспорт қилишдир.

СОЛИҚ

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД — ЖИНОЯТДАН ДАЛОЛАТ

Навоий вилояти солиқ идоралари томонидан банкдан ташқари пул айланишининг олдини олиш, хуфёна фаолиятга чек қўйиш, солиқ ва бошқа тўловларни давлат бюджетига тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида доимий таҳлил ва назорат ишлари олиб борилмақда.

Минг таассуфки, ўтказилаётган текширувларда даромаднинг яширин ёки камайтириб кўрсатиш, нақд пул тушувларини топишмаслик каби қатор ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан қонуний жазо чоралар кўрилмоқда. Мисол учун, "Кизилқум ҳамкор савдо" хусусий фирмаси фаолияти текширилганда, юқори ликвидли маҳсулотлардан 390,8 миллион сўм маблағ банкка топирилгани маълум бўлди. Шунингдек, корхона солиқ ва бошқа тўловлардан 4,3 миллион қўшимча солиқлар ҳисобланди. "Magnitola montaj" маъмулияти чекланган жамият раҳбарлари ҳам ҳам уларини ниҳоятда "устамон" деб биланган, шекилли, салкам 130 миллион сўмлик янча ичимликлар ва 51,9 миллион сўмлик ёқилги-моиллаш материалларини банкдан ташқари айланишлар орқали сотишга жазм қилишди. Таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармасига юборилиб, қонунбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Уйланимай қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатининг оқибати яхши бўлмайди. Биз тилга олиб ўтган корхоналар мутасаддилари ҳам бугун қилмишларидан пушаймон бўлсалар, ажабмас. Зеро, қонун барчага баробар, уни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Асламдин РАҲМАТОВ, Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси шўба раҳбари.

— Уша пайтлари ҳам қолхозда ишлаб, ҳам ўзимизнинг томорқадда етиштирган турли дехқончилик маҳсулотларимизни бозорларда сотиб, тирикчилик қилар эдик, — дея хотирлайди Собиржон бобо. — Хатто шундай сийбат ҳам юргизилганки, ўзимиз етиштирган маҳсулотни фарғона шаҳридаги бозорларга олиб бораётганимизда милиция ходимлари тўхтабди, давлатга қарашли дўконларга сувтекинга топширишга мажбур қилишар эди. Шукрки, истиқлол ўзбек дехқонига ҳеч қандай ҳадиксирмай гўз юриш имконини берди. Айниқса, фарзандларимизга ҳавасим келади.

Тақдир Собиржон бобони етти нафар бир-бирдан қобил ва меҳнатқаш фарзандлар билан сийлаган. Солиқон Мирзажонов — унинг тўнғич фарзанди. От изини той, босар, деганларидек, ўғил отанинг хайрли ишларини давом эттириб, ўз томорқасида етиштирилган, таърифи етти иқлимга кетган Олтиариқ турпларини хорижий ўлкаларга элтиб, сотишни йўлга қўйди. Эндилда Солиқон аканинг сая-й-харақати билан Олтиариқ турплари Россия, Украина, Германия каби қатор хорижий мамлакатларнинг бозорларидан пешма-пеш сотилимоқда. Дарвоқе, у Фарғона туманида "Турон чаш-

маси" фермер хўжалигини ташкил этган. Дастлаб, 2003 йилда 41 гектар ер олиб иш бошлаган изланувчан ва тиришқок мулкдор 2004 йилга келиб, қаровисиз ётган тошлоқ ерларни ўзлаштириш хисобига ўз худудини яна 22,5 гектарга кенгайтирди. Янги ерга уч йил миқлидан тўндан эиб эллик турдаги мевалий дарахт ва атиргул қўчатлари экилди. Ҳа гектар ерга тўрт минг тул тоқ қаламчалари ўтказилди. Ҳозирда у барпо этилган узумзорларда етиштирилган "Хусайни", "Келинбармоқ", "Чарос", "Ризамат ота" навли болдан-да ширин узумларнинг бозори чақон. Ҳа гектар ерда эса сабзавот ва поллиз экинлари етиштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, сийдиқиндан қилинган меҳ-

КЎЗ ҚЎРҚОҚ, ҚЎЛ БОТИР

дея тадбиркорликка қўл урган фарғоналик Солижон Мирзажоновга нега тўсқинлик бўлмоқда

Бундан ўттиз беш йил муқаддам олтиариқлик оддий дехқон Собиржон Мирзажонов ўз томорқасида етиштирилган 330 килограмм турпни Москва шаҳридаги бозорда сотётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди, "чайқовчи" деган айблов билан уч йил муддатга қамқоқ ҳазосига ҳукм қилинди. Умр йўлдоши эса етти нафар фарзанди билан қирқараб қолаверди.

нат, беором ўтган йиллар самараси ўлароқ, бугун ҳайхот-дек тошлоқзор ўрнида серх-осил боғ ва узумзор қад ростлади. Солижон Мирзажонов ана шу хайри иш эвазига ҳамқишлоқларини маъмурий иш билан таъминлади. Солижон Мирзажонов нафақат дехқончилик ва бодғорчиликнинг моҳир устаси, балки аждодларининг темирчи бўлгани боиски, темир-терасак билан ҳам яхшигина тиллашар экан. У "1-сон Файзиган" деб қишлоқ курилиш маъмулияти чекланган жамиятига қарашли темир-бетон заводи ҳам бошқариб келмоқда. — 2001 йили ушбу заводнинг 100 фоиз акциясини сотиб олгандик, — дея гап бошлади Солижон ака. — Бу ерда иморатлар қурилиши учун темир-бетон маҳсулотлари тай-

ёрланади. Сотиб олганимизда корхона дегарли эгасиз бўлиб, хатто қорюли ҳам йўқ эди. Солиқондан, иш ҳақлари ва бошқа қарзлари ҳақида ўйланган кишининг юраги орқага тортиб кетарди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганлари шу бўлса керак, таваккал қилиб маблагини аямдик. Солиқ муҳандисини мутахассисларни ишонтириб, корхонага қайтардик. Бошида корхонамизда 230 нафар ишчи меҳнат қилар эди. Улар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганди. 7 нафар ногироннинг илгариги маоши сақланган ҳолда улуғсиз тўлаб келинарди. Бунёдкорлик ва хайрия ишларидан ўзимиз ҳам, эл ҳам мамнун эди. Афсуски, бюрократик муносабат эзгу ишларимизга тўнган бўлиб, фаолиятимиз анангачина сусайиб қолди. Асо-

сий хомашё бўлган қум-шағал карьерининг тугаб қолгани боис 2001 йилнинг 11 январиди хомашё заҳираси 4-5 йилга етадиган бошқа бир карьердан тош-шағал, кум олшини сураб мутасадди раҳбарларга ёзма мурожаат қилган эдик. Бироқ улардан ҳалигача жавоб бўлмапти. Хомашё етмаслиги эса ишимизнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Уша маъсۇл раҳбарларга инсоф тилаб ишайимиз. Билмадик, димоғи осмон бу жаноблар мана шу ишларимиз орқасидан 230 нафар ишчининг рўзғори обод бўлиб турганини қачон англаб етишаркан. Ё қорни бўлакнинг дарди бўлак, деганлари шумикан?

Айтгандек, биронинг устидан ари-ҳол қилиш мақолаи ҳис қарамонига ёт хислат. Бироқ, гап корхонанинг ҳамда 230 нафар ишчининг бекор туриб қолишига ва катта бунёдкорлик ишларининг тўхтаб қолишига тақаллаган бўлса, бу энди шунчаки тирикчилик ваҳиди қилинадиган арз эмас, балки муҳим ижтимоий муам-

мога айланади. Қизиқ, нега энди фарғоналик мутасаддилар карьердан хомашё олишга рухсат беришмайпти экан? Ё бунинг замирида бошқа мақсад бормикан. Ваҳоланки, бундан а-анча йил бурун корхонанинг солиқ раҳбарлари қум-шағал заҳираси мўл бўлган 76 гектарлик карьер майдонидан фойдаланиш учун пул тўлаб қўйишган. Корхона маъмурияти эса ўзларига таъмишли бўлган ана шу карьер майдонини сурашмоқда, холос. Нима ҳам дердик. Хануз эски тузум раҳбарларига хос иззатталаблик билан ишайётган мутасаддилар муҳтарам Юртбошимизнинг: "Қайси раҳбар бурун ишбилармонлар, фермерлар ва тадбиркорларнинг йўлига гав бўлса, билиб қўйишсин, улар меннинг ҳимоятимда", деган пурҳикмат гапларини ўзларига дастуриламал қилиб олишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, ҳақ бир қуни ўз ўрнида қарор топади. Бунга ҳеч ҳам шубҳа йўқ.

Ҳақматулла ҚОДИРОВ, Бекзод ХОТМОНОВ.

ҲАРБ ИЛМИНИНГ ДАҲОСИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Амир Темур Мовароуннахрда тинчлик ўрнатди, унинг ҳар жиҳатдан ривож ичун лозим бўлган тадбир ва дастурларни амалга оширди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бутун фаолияти, улкан давлатни барпо этишдаги улғун хизматлари, Турон заминининг муудофаа кудратини оширишдаги савий-ҳаракатлари, унинг ўғитлари-ю "Тузуқлари" мана олти юз йилдан ошдики, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Тарихдан маълумки, Темурбек ёшлик чоғидан ҳарб ишига ўзгача муҳаббат ва эҳтиром билан қарай бошлаган. Унда ҳарбий санъатга бўлган қизиқишининг эрта пайдо бўлишида падари бузруквори, амир Қазон давлатининг арконларидан бири, мардлиги, шижоати ва олийжаноблиги билан ном чиқарган амир Тарағайнинг маълум даражада таъсири бордир.

Буюк Соҳибқирон мамлакатни мўғул истибодидан озод қилиш борасидаги режаларини амалга оширишда ўзининг садокатли бек ва сардорлари қаторидан ўрин олган Аббос, Довур, Қумари, Муайяд, Сайфуддин, Сарибуга қабилар билан ўртоқлашар эди.

Улус қудратини янада ошириш, асосий қаровон йўллари устидан назорат ўрнатиш, халқ турмуш тарзини яхшилаш каби улғун мақсадлар йўлида Темурбек 1371 йилдан то 1404 йилгача Мўғулистон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Шом (Сурия), Ҳиндистон, Гуржистон, Арманистон, Кавказ орти ўлкаларига бир неча бор қўшин тортиб, катта галабаларга эришди.

Тарихда Амир Темур жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида тан олинган. Дарҳақиқат, у қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдирини хал бўладиган паллада ҳарбий қучларни усталик билан енгиб ўтишга мўярсар бўлган.

Тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг ёзишича, Амир Темур Чингизхоннинг ҳарбий санъатидан бирмунча фойдаланган. Бу ҳолни қўшиннинг жойлаштирилишида ҳам қўриш мумкин. Аммо у мўғул аъёнларига кўр-кўрона тақдир қилмаган, аксинча, қўшинни ташқи элтишга қатор янгиликлар олиб кирган. Амир Темурнинг ўғиллари, набиралари, сафдошлари қўшинга сардорлик қилишган. Улғун Соҳибқирон даврида энг маъсул топшириқларни товачилар (жарчилар ёки чопарлар) бажарган. Ҳар бир юриш олдида янгидан қўшин тўплаш учун вилоят ва уруғларга товачилар юборилган. Амир Темур фармоишини улар вилоят амирларига оқизмай-томизмай етказган.

Соҳибқирон жангчилар ўртасида қаттиқ тартиб интизом ўрнатган. Қўшиндаги ҳар бир киши, хоҳ у оддий аскар, хоҳ саркарда бўлсин, ўз ўрнини билган. Юришлар чоғида қаттиқ тартиб — муричлик риоя қилинган.

Амир Темур жангга ўрнак кўрсатган наваркарларга доимо уқулқа — пул инъом қилган. Қисм қўмондонларига алоҳида имтиёз берилган. Соҳибқирон қўшини таркибиди Мовароуннахр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон ўғлонлари ташкил қиларди. Унда мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди. Қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жангвор таркиби — ясал жандан жангга тақомиллаштириб берилган, армия ўз замонасининг қурол ва техникаси билан қуроллантирилган.

Душман муудофасини турли усуллар ёрдамида барбод қилиш, йирик ва мустаҳкам муудофаа иншоотларига эга бўлган ша-

ҳарларга қўқисдан зарба бериш, ёв қучларини иложи борица кенг қамровда қуришаб туриш, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларни бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамом яқсон этгунга қадар таъқиб қилиш саркардага кўплаб зафарлар келтирган. Тактик жиҳатдан эса Амир Темур қўшинни етти бўлак қўлга ажратган, хабаргери (разведка) аъло даражада йўлга қўйилган, бўлакларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракатланиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида тезкор бошқаришга катта эътибор берилган.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — қўшин қанотларини жанг чоғида душман хужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ганим қучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм — кунбул (кумул)нинг жорий этилишидир. Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганнибал, Людовиг XIV, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиши, Амир Темур ҳарб санъатини чуқур ўрганган Наполеон Бонапарт армиясининг жангвор таркибиде қўшин қанотини ҳумояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин.

Тарихий манбаларда келтирилишича, отлик аскарлар Амир Темур армиясининг зарбор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган.

Амир Темур ҳар бир жанг олдида машвара — кенгаш ўтказиб, ўз лашкарбошлари билан бўлажак жанг тўғрисида келишиб ол-

гач, ҳўяли маслаҳатларга амал қилган. Жумладан, Ҳиндистон юришида Соҳибқирон аскарларига қарши филлар билан жанг қилинган боис, вазият ўта мураккаб бўлди. Жангнинг иккинчи кўни арафасида ўтказилган



машварада Халил Султон душманга қарши устига шох-шаббалар ортилган туялар билан жангга киришни, жанг олдида шох-шаббаларни ёқиб юборишни тақдир қилди. Тақдир Соҳибқиронга маъқул тушади ва у аскарларига буйруқ беради. Натияжада устида ёнаётган шох-шаббалар билан жангга ташланган туялар душман филларини даҳшатга солади, филлар ўз сипоҳларини босиб-янчиб орқага қочади. Жангда Амир Темур галаба қозонади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Соҳибқирон бобомиз барпо этган қудратли ва ўта интизомли армияси ўша даврдаги энг илғор армия сифатида, кейинчалик буюк саркардалар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилди, асрлар мобайнида ҳарб ишида андоза вазифини ўтади. Амир Темурнинг ҳарбий таълимоти бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Унинг ҳарбий маҳорати халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, мамлакатимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай сақлаш мақсадида барпо этилган миллий армиямизнинг ҳар бир аъзоси учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Шавкат ЕҚУБОВ,
Феруза ХУСАИНОВА.

Балоғатга етган инсон борки, бахт, омад ҳақида ўйлайди. Албатта, бу аввало ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Инсон бахтини ўз қўли ва меҳнати, ишланувчанлиги, ташаббускорлиги билан яратиши ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, жамият ҳаётидаги шарт-шароит ҳам кишининг бахтини топишга маълум даражада ҳисса қўшади. Бу фикрни бежиз келтирмадим. Бугунги ёш авлодга ҳавасим келади. Чунки, истиқлол туғайди ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларимизнинг замонавий типдаги умумтаълим мактабларида, мухташам ва кўркем қиёфадаги касб-хунар коллежларида, саломатликнинг кафили бўлган спорт мажмуаларида, боринги, дунёнинг манамен деган ўқув юрларидан қолшмайди-ган билим даргоҳларида тахсил олишлари, чиниқишлари, касб эгаллашларининг ўзи бир бахт эмасми?!

Ёшларимизга ана шундай бахт ато этаётган ўқув даргоҳларидан бири

— Чилонзор туманидаги тиббиёт коллежидир, десак асло муболага бўлмайди. Мазкур коллежда бугунги кунда қарийб тўрт миң нафар ўқувчи тахсил оляпти.

— Коллежимизда ўқувчи ёшларнинг касб эгаллашлари учун барча шароит мўжайиб, — дейди коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Малика Ба-

ратова. — Биз уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун қатор жамоат ва давлат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз. Айниқса, бўлажак ҳамшира ва тиб-

биётчиларимиз амалий машғулотларни энг нуфузли тиббиёт муассасаларида ўтаётганлиги, малака ва тажриба орттираётганлиги уларнинг келгусида етук мутахассислар бўлиб етишшиларига замин хозирлайди.

Коллежда ёшларнинг ақсарияти дарсдан кейинги тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Айниқса, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ўқув юртида "Ёшлар ва замон", "Менин орзу ва истақларим" каби мавзуларга ранг-баранг тадбирлар ўтказишда коллеж маъмуриятига яқиндан кўмаклашмоқда.

— Ҳозирги ёшлар билан ишлаш қизиқарили ва мароқли, — дейди туман ҳокимлиги масъул котибаси Сайёра Раҳмонова. — Уларнинг фикр ва дунёқарашлари теран. Битта саволнингизга мингга жавоб оласиз. Бу бугунги ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етаётганидан далолат беради.

Мухтабар айтганда, ушбу коллежда таълим олаётган ёшлар ўзларини бахтли ҳис қилмоқдалар.

Мақсуд АКРАМОВ,
"Adolat" муҳбири.

ШАРОИТИ ТЎКИС КОЛЛЕЖ



МУСИҚА МИЛЛАТ РУҲИНИ ИФОДАЛАЙДИ

Баъзида хиргойи қилиб ўтирмай, дағал, гафур-будир қишлоқ йўли сингари узок-узокларга чўзилмаган бор овозим билан ўзим тушуниб етмаган "мақом" оҳанглари айти бошлаганимда хонадошим бўғилиб кетади: "Телбами-сиз? Мен эса, ўша гализ овозим билан қўшилиб уцаётган лочиндек ҳис этаман ўзимни. Кейин тан оламан: "Ха, телбаман".

Кейин ўзимча пичирлайман: "Мақом"ни унутган бир сен эмас, биродар, "Бузурук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Ироқ" — бу сўзлар манамен деган бугунги қўшиқчи олдизларнинг ҳам бисотида топилиши қийин. Ҳатто улар ҳам қўшиқ қуйлаганда бошини тебратмайди, балки оёқларини ерга "тап-тап" уради".

Хуллас, юракдаги шу оғриқлар сабаб бўлиб, мақом ҳақида ёзгим келди. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим ИСМОИЛОВнинг суҳбатини оломқчи бўлдим. Лекин тан олиб айтаманки, "мақом" ҳақида айтириш ҳеч нарса билмасдим. Толганимча, адабиётлар билан танишдим, шундай бўлса ҳам суҳбат бошқарувини суҳбатдошимга топширишга қарор қилиб, санъаткор билан уршадим. Мана ўша суҳбат:

— **Менимча, давр — инсонларнинг ўзи. Янги руҳ ҳам шу одамларда пайдо бўлади. Ўз-ўзидан музиканинг ҳам руҳи ўзариб туради. Ҳайронман, қайси бири биринчи бўлиб ўзараркин? Яъни, кейинги пайларда баъзи ёшлар табиатида пайдо бўлаётган ялонғоч кайфият музиканинг маҳсули эмасми-кан, деган ўйга борсан, киши.**

— Албатта, савкатибайликнинг орамиздан кўтарилишига музиканинг дахли йўқ, дея олайман. Аммо музикага хос хислатлар Жалолдин Румий ҳазратлари даврида ҳам, Ибн Сино яшаган замонда ҳам энг асосий мезмон эди. Яъни, музика ҳамма вақт одамларга яхшилик улашган. Бугун ҳам шундайми? Бу — беихтиёр юрагимда оғриқ уфғотидаган савол. Очигини айтсам,

мен ҳаётда кўп нарсаларга эришган, бахтли одамман. Лекин ҳар доим, айниқса, шу кунларда музика ҳақида кўп ўйлаяман. Чунки музика менинг ёки унинг эмас, балки бутун бир миллатнинг мулки, ундан нотўғри фойдаланишни кўхна мезонларга хиёнат санайман.

— **Ўша кўхна мезон ҳақиқатдан ҳам инсоннинг қалбига фавқуллодда чуқур кириб, унинг қайғу-ҳасратларини ўз оҳангларида акс эттиришга қодир. Бу — ҳақиқат. Аммо ана шу ҳақиқатни тан олиш йўқ. Не-не зўр овозлар бор, улар ҳам Шарқ музика аъённаларига бепарво. Бунинг оқибати нима бўларкин?**

— Аслида мен боч-йўғи қайси бир даражадаги ижрочиман, холос. Лекин, боя айтганимдек, менинг ҳам юрагим-

дизи жуда чуқурга ўхшайди. Бинобарин, ҳозирги енгил-елпи ижроларга қўйлаётган тўсиқлардан ҳеч қандай наф йўқ экан-да?

— Миллий қўшиқ миллатнинг руҳини ифодалаш билан бирга, санъатнинг софлигини ҳам таъминлайди. Мен сизга айтсам алла ана шу руҳиятнинг онаси. Она ўз фарзандини қандай тарбияларса, алла ҳам ўзидан кейинги қўшиқлари шундай тарбиялайди.

— **Ҳозирги пайда миллий музикамизни давом эттириётган ёшлар ҳам оз эмас. Уларнинг ҳошишини эшитиш мароқли. Лекин миллий қўшиқчи, дегани ўзидан олдинги санъаткорнинг қуй-қўшиқларини тақрорлаб юриш дегани бўлмас керак?**

— Мен ёш ижрочиларимиз "Мақом"ни ижро этишлари шарт, деган фикрдан йироқман. "Мақом"ни тўғри тушунишнинг ўзи кифоя. Шунда улар ҳам вақти келиб, қўшиқчиликда ўз истиқлолини, қиёфа, услубларини намоён эта оладилар.

— **Бир шоиранинг: "Замон мендан қилар таъна, Тугилсан-чи, ўғлим Алишер" — деган мисраси тез-тез ёдига тушаверади. Баъзан, бу таъна наинки адабиётчиларга, балки бутун санъат аҳлига қарата айтилгандек туюлади...**

— Гоҳида мен ҳам Имомжон Икромов, Манас Левиев, Дони Зокиров, Тўхтазин Жалилов, Икром Акбаров сингари композиторлар бўлганида, "Кўчалар", "Отмағай тонг", "Дўпни тик-дом", "Раъно" каби ўлмас ижролар ва ҳожи Абдулазиз, Ботир Зокиров, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова сингари буюк ижрочилар етишиб чиқармиди, деган ўйга бораман. Ким билсин, яхши ният қилаверайлик-чи, ана шундай буюк эзлорни берган худойим, яна шундай олақларни элимизга тахфа этар. Ахир, қанчалар даро оқвадир-ку, шундай эмасми?!

— **Назаримда, Сиз алла ҳақида гапираясиз. Демак, масаланинг ил-**

даги оғриқ — шу. Бу оғриқ интихосиз туюлади, баъзан кўриб кетаман.

Борди-ю сиз "Бу Фарб музикасининг таъсири" деган гапни кўнглингиздан кечираётган бўлсангиз, мен бунга қўшилмайман. Чунки Фарб музикасининг илғор жиҳатлари Шарқ музикасидан тўйинган. Демак, қайсида маънода биз ўз жиҳатларимизни қайтариб олаёلمиз. Бинобарин, ёшларимизнинг Фарб музикасини кўпроқ тинглаётганлиги биз ўйлаганчалик ёмон эмас. Аммо моҳият тинглашда эмас, балки тушунишдадир. Шундай бўлса ҳам, бугунги авлодчи асл музикаларимизни тинглашга ўргата олганимизда эди, калаванинг учини, бироз бўлса-да, толган бўлардик.

Азалдан "Тинглаш санъати" мавжуд Бироқ ҳозирги тинглашлар аввалгиларидан узилиб қолган. Орадан бир неча ун йилликлар ўтди кетди. Не-не истез-дидлар тингламай улғайди. Тинглаш нималгини билмасдан туриб ўз ижодини бошлади. Оқибатда...

— **Назаримда, Сиз алла ҳақида гапираясиз. Демак, масаланинг ил-**

даги оғриқ — шу. Бу оғриқ интихосиз туюлади, баъзан кўриб кетаман.

Борди-ю сиз "Бу Фарб музикасининг таъсири" деган гапни кўнглингиздан кечираётган бўлсангиз, мен бунга қўшилмайман. Чунки Фарб музикасининг илғор жиҳатлари Шарқ музикасидан тўйинган. Демак, қайсида маънода биз ўз жиҳатларимизни қайтариб олаёلمиз. Бинобарин, ёшларимизнинг Фарб музикасини кўпроқ тинглаётганлиги биз ўйлаганчалик ёмон эмас. Аммо моҳият тинглашда эмас, балки тушунишдадир. Шундай бўлса ҳам, бугунги авлодчи асл музикаларимизни тинглашга ўргата олганимизда эди, калаванинг учини, бироз бўлса-да, толган бўлардик.

Азалдан "Тинглаш санъати" мавжуд Бироқ ҳозирги тинглашлар аввалгиларидан узилиб қолган. Орадан бир неча ун йилликлар ўтди кетди. Не-не истез-дидлар тингламай улғайди. Тинглаш нималгини билмасдан туриб ўз ижодини бошлади. Оқибатда...

— **Назаримда, Сиз алла ҳақида гапираясиз. Демак, масаланинг ил-**

Мулоҳаза

БОҒ ҲУСНИГА ДОҒ

Юртимиз истиқлол шарофати ила кундан кунга чирой очиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг ишдан бўш вақтларида мароқли дам олишлари учун барча қулай шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги кўркем истироҳат боғларига кирсангиз, баҳри дилингиз очилади. Бироқ, танганинг икки томони бўлганда, гоҳида бу ҳусни тароват доғ бўлиб тушаётган ҳолатларга ҳам дуч келасиз.

Яқинда ана шундай сўлим гўшларнинг бирига бордим. Ногоҳан дархат паналаридаги ёки ўрдақлардаги "Голливуд мелодрамалари"га кўзим тушиб қолди. Менталитетимизга асло тўғри келмайдиган бундай ахлоқсиз ҳаракатлардан, ростки, уялиб кетдим. Наҳотки, ёш йигит-қизлар андишани унутиб қўйишган бўлса? Ахир, истироҳат боғлари жамоат

жойлари-ку? Бундан ташқари, улғайиб келаётган норасида болалар ҳам боғларда сайрга чиқишади-ку! Улар "севишганлар"га суқланиб қарашмайдими?!

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан болалар тарбияси-га алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун ҳам улар фарзандларига ибратли қизилатларни кўрсатиб, ёмон нарсалардан қайтаришган.

Халқ: «Касални долашдан кўра, уни олдини олиш яхшироқ», — деб бекорга айтмаган. Бошқа ҳеч бир миллат луғатида учрамайдиган андиша, андишаларнинг энг авлод қалбига чуқур сингирдирилган ва шу йўл орқали келажакимиз пойдеворини мустаҳкамламоғимиз шарт эмасми?!

Бахтиёр ЕҚУБОВ,
"Adolat" муҳбири.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Бўстонлик тумани партия Кенгашининг раиси Турсуной Қазақовага волидан муқтарамаси

Қумри янининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририят жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканали ДУК "Ассалом, Ўзбекистон" студияси бош муҳаррири Иқбол Мирзога турмуш ўртоғи

Гулнора АКБАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

2010 йилда Жанубий Африка республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг саралаш босқичларининг навбатдаги ўйинлари 31 март ҳамда 1 апрел кунлари бўлиб ўтди.

Осиё минтақасининг яқунловчи 4-босқичида қатнашган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу турда узок Австралияга сафар қилди. Мазкур ўйиндан футбол ишқибозларимизнинг умидлари катта эди. Бундан беш кун аввал "Пахтакор" марказий стадионида Қатар миллий терма жамоасини 4-0 ҳисобида енган футбол-

чиларимиз мухлисларда жаҳон чемпионатидаги бориш умидларини уйғотганди. Утган турдаги ўйиндан фарқли улароқ, Австралияга қарши баҳсда жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳимоявий, яъни 4-5-1 тактикасига таянди.

Сидней олимпиадаси муносабати билан қурилган стадионни тўлдириб турган 70000 дан зиёд томошабинлар кўз ўнгига футболчиларимиз биринчи бўлимда ажойиб ҳимоявий ўйин намоёйишти. Ҳатто Европанинг кучли чемпионатларида фаолият олиб бораётган футболчиларини саросимага ҳам солиб қўйишди.

Иккинчи бўлимининг дастлабки сонияларидан бошлаб, майдон эгалари бутун жамоа

бўлиб хужумга отланишди. Жасур Хасанов ва Саҳоб Жўраевлар қанотидан жарима майдончасига ошириб берилган тўпга захирадан майдонга тушган рақибимиз фаулхумчиси Жон Кеннеди бутлаб саркаб, Нестеров қўриқлабган дарвозанин узоқ чап бурчагини аниқ нишонга олди.

Иккинчи голни мезбонлар пенальтидан киритишди. Бу сафар марказий ҳимоячимиз Хайрулла Каримовнинг кўпел фаулхумчиси туғайди жамоамиз 11 метрлик жарима тўпи билан ҳазоладди. Пенальтни австралияликларнинг тажрибали ҳужумчиси Гарри Кьюэлл аниқ амалга оширди.

Уйиннинг сўнгги дақиқаларида Анвар Солиев Марк Шаарцер қўриқлаётган дар-

возани нишонга олди, бироқ гол ҳисобга олинмади. Негаки, у йўндан ташқари ҳолатда эди.

Навбатдаги мағлубиятда футболчиларимизни айбламш нўрун... Сабаби, жамоамиз аъзолари бор имкониятларини, тажрибаларини ишга солиб майдонда ҳаракат қилишди, рақиб эса ҳақиқатдан кучли эди. Ушбу мағлубиятдан сўнг жамоамиз жағармасида 4 очко бор. Лекин ҳали ҳам назарий жиҳатдан имконият мавжуд.

"А" гуруҳидаги иккинчи уршадан Манамада Баҳрайн ҳамда Қатар терма жамоалари ўртасида ўтказилди. Бу баҳсда Баҳрайн футболчилари 1-0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Жобир ХУҲАҚУЛОВ.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКІСТОН «АДОЛАТ» СДП СІЙСІЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибнат — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Маниаля: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатов ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ,
Муқаррамхон АЗИМОВА,
Рашид ХАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтўра ШАҒОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»нинг кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
Т — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи муҳаррир — Камол АЛШАЕВ
Навбатчи — Бахтиёр ЕҚУБОВ